



ЎЗБЕКИСТОН ССР
ВА ЎЗБЕКИСТОН
КОМПАТИЯСИНИНГ
60 ЙИЛЛИГИГА

ТУЁНА

Халқимизда тўйга тўёна билан боришдек ўйим бор. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 60 йиллик тўйи барча касб эгалари сингари биз, пахтакорлар учун ҳам қўтлуг байрамдир. Йил босибдики ана шу тўйга қандай тўёналар билан боришимиз режалаштирилган.

— Ҳар тектар майдондан 50 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз! — Бригадани аъзолари мунисиб тўёнаси шу бўлади, деган қарорга келиди. Амалда эса тектардан 57 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, тўёна янада каттароқ қилиди. Етиштирилган ялли ҳосилининг 85 проценти «зағир» кема»ларда саранжом-сарилалаб олади.

Оқулова бошлик бригада аъзолари ҳам «оқ олтин»дан салмоқли хирмон кўтаришди. Йиллик планни 130 проценти яқин адо этдилар. Тайёрлов пунктга топширилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди. Бошқа бригадаларимизнинг муваффақиятлари ҳам дилларини қувонтирмайди.

Колхозимиз бўйича 1850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ошириб ҳосил олинди. Йиллик план мўддатидан илгари олтига билан бажарилди. Шуни қувонч билан айтиш кераки, юбилей йилида, планни бажармаган бирорта бригада қолмади. Механизаторларимиз, термичиларимиз ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

Юбилей йилининг ўзига хос хислатлари нимадандан иборат бўлди? Бригадани бўйича бирор киши меҳнат интизомининг бузилишига йўл қўймади. Аъзоларимизнинг ҳаммаси йил бошидан охиригача ишлари топиригини олтига билан бажариб келди. Ишда сифатини юқори бўлишига алоҳида эътибор берди. Чунки мушарраф шартномасида меҳнат умумдорлигини пиландан ташқари 1 процент кўтариб, маҳсулот ташаринини қўшимча 0,5 процент қўшимча қилишга айтиш кераки, ҳалол меҳнат билан сўзимизнинг устидан чиқди. Мусобақа шартномасининг барча моддаларини шараф билан бажарди.

Колхозимиз давлатга тўғш, сут, туҳум, пилла, дон, сабзавот ва бошқа хил қиллоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларини ҳам муваффақиятли адо этди.

Партиямиз эришилган ютуқларини мустаҳкамлаш зарурлигини унутиб келмоқда. Эндиги вазифа ютуқларини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан иборат. Борлиқ ҳисобини сўғитиш мисқолига сира нобуд қилмасдан йилнинг термичиларини, айтиш кераки, дала ишларини қонвеер усулида ташкил этиб, гўзапони саранжом-сарилаламоғимиз зарур. Эртаги ва ўртаги экинлардан бўшаган ерлар ўғитлаб, аллақачон шудгорлаб қўйилган. Энди асосий эътиборни пахтадан бўшаган ерларни ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб, чуқур шудгорлаб қўйишга қаратмоғимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми қарорлари асосида мелiorация ишларини тўдан яхши-ламоғимиз, қиш фаслида шўр ювиш, яхоб бериш, зовур қазниш ва бошқа ишларни сифатли бажариб, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратишимиз лозим. Бунёдкорлик меҳнатимиз билан бу мақсадимизга ҳам эришамиз.

Шонли байрамимиз муборак бўлсин, хўрматли пахтакор ўртоқлар!

Саодат ГУЛАХМЕДОВА,
Бўша райониди Ҳамза номи колхоз бригадир,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Халокатнинг олдини олайлик

5 декабрь куни Москвада «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракати ҳамраисларининг маъбулот конференцияси ўтказилди. Маъбулот конференциясида академик Е. Чазов билан профессор В. Лаун (АНШ) совет ва чет эл журналистлари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Бизнинг ҳаракатимиз ҳаётида катта воқеа содир бўлди, деди академик Е. Чазов маъбулот конференциясини оча туриб. Биз «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» ҳаракати IV конгресси мурожаатомасига ўртоқ К. У. Черненконинг жавобини олди. Хелсинкида ўтказилган конгрессда қатнашган 53 мамлакат вакиллари йилги давлат СССР билан АҚШ бошлиқларида мурожаатомасига йўллаганиларини эслатиб ўтди.

К. У. Черненконинг Совет Иттифоқи ҳеч қачон ядро қуроли ишлашмаслигига, инсоннинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқи амалда таъминланганига эришиш учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда, деган сўзлари бизни айланиб айландирди.

Биз Совет раҳбарининг жавобини зўр мамнуният билан қутиб олдик ва АҚШ президентининг жавобини кутмоқдамиз, деди журналистларга профессор В. Лаун. Эндигида ўз сафарида жаҳондаги юз мингдан кўпроқ меҳнатки билан ишлаган врачлар ҳаракатини буюк давлат раҳбари эътироф этганлиги фактининг ўзи катта аҳамиятга эгадир.

Маъбулот конференциясида «Ядро урушининг олдини олиш учун курашувчи жаҳон врачлари» халқаро ҳаракати IV конгрессининг мурожаатомасига ўртоқ К. У. Черненко жавоби тексти журналистларга топширилди. Сўнгра Е. Чазов билан В. Лаун маъбулот вакилларининг саволларига жавоб қайтардилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАВАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

СТОКГОЛЬМ АНЖУМАНИДА ЯНАДА СИЛКИШГА ЭРИШИШ УЧУН

● **СТОКГОЛЬМ.** Стокгольм конференциясида Европада ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий соҳаларда баб-баравар асосларда ишонч ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларини қонкрит равишда кўриб чиқиш учун икки ишчи гуруҳларини ташкил этиш тўғрисида ахдлашга эришилганлиги муносабати билан Швеция ташқи ишлар министри Леннард Будстрем баёнот берди. Баёнотда у мана шу ахдлашув — конференцияда музокараларнинг биринчи асоси бўлишига ўтиш имконини беради ва Стокгольм анжуманида янада силкишига эришишга қўмақлашади, деб унда билдирди.

● **БЕРН.** Швейцария демократик христианлар партиясининг намояндаси К. Фуррлер 1985 йилги Швейцария конференциясининг президенти этиб сайланди. Ҳозирги вақтда у вице-президент ва федерал кенгаш (хукумат)да миллий экономика департаментининг бошлиғи лавозимини эгаллаб турибди. Икки ишлар департаментининг бошлиғи, демократик христианлар партиясининг аъзоси А. Эгли худ шу даврга мамлакат вице-президенти қилиб сайланди.

Швейцарияда амалдаги қонунга мувофиқ федерал кенгаш аъзоларидан бир йил мўддатга сайланган президент айтиш вақтда хукумат бошлиғи ҳам бўлади.

● **ДЕХЛИ.** Бу ерда ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресс партиясининг сайловолди маинфести эълон қилинди. Маинфестда таъкидлангани, шу йил декабрь ойининг охирига белгиланган ялли парламент сайловида ғолиб чиққан тақдирда ҲММ мамлакатини миллий экономикани мустаҳкамлаш ва социал-иқтисодий таъриқий йўлидан бошлаб боришни давом эттираверди.

ВАШИНГТОНДА ИРЧИЛАР БИЛАН ИРЧИЛИК

● **ВАШИНГТОН.** Нобель тинчлик мукофотининг лауреати, жанубий африкалик епископ Д. Туту АҚШ маъмуриятининг ЖАР апартеид режими билан «конструктив ҳамкорлик» сиёсатини ўтказётганлигини «ахлоқсизлик» деб атади. АҚШнинг сиёсати, деди у Америка конгрессига сўзга чиқиб, «Жанубий Африкадаги камчилиқ оқ тилларининг ирқий режими зўравонлиқни кучайтиришга рағбатлантирмоқда». Д. Туту Оқ уйнинг гўё ўтказиб келётган «тинч дипломатия» сиёсати ЖАРда африкалик аҳолининг аҳолининг енгиллаштиришга қаратилган, деб айтган даъволарини мазҳаб қилиб: «Биз кишанларимизни кўпроқ қўлайлик билан кўтариб юришимиз эмас, балки уларни улоқтириб ташлашимиз истаймиз», — деб таъкидлади. (ТАСС).

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **АДАН.** КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, Совет ҳарбий қисмлари бошчилигидаги Совет хотин-қизлари делегациясининг Демократик Яманга қилган визити тугади. Делегация Яман хотин-қизлари умумий иттифоқи билан Яман Социалистик партияси раҳбарларининг таъкифларига биноан бу ерда бўлди. Келгуси икки йил мобайнида иккала хотин-қизлар ташкилотини ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

● **БУЭНОС-АЙРЕС.** Чилида Пиночет ҳарбий фашист режими қанчал халқат жорий этилган сўғ озоқлик учун курашувчи мингдан ортиқ киши қамоққа олинди. Чили инсон ҳуқуқлари комиссиясининг Аргентинада чиқадиган «Вос» газетасида эълон қилинган ах-лар.

● **КАНБЕРРА.** Перт шаҳрида 50 километр жанубда жойлашган Американинг «Стерлинг» ҳарбий-денгиз базаси дарвозалари олдига урушга қарши намойиш бўлди. Мамлакатнинг турли чеккаларидан бу ерга келган урушга қарши ҳаракат активистлардан 600 дан кўп киши Австралининг Пентагонининг плацдармига айлантирилишга қарши норозилик билдирди. (ТАСС).

● **САНО.** (ТАСС). Яман президенти кенгашининг бу ерда очилган 3-сессиясида империализм ва сиёсийнинг агрессив кирдикорларига қарши араб халқлари жипслашиш зарурлиги таъкидланди. Сессияда Яман Араб Республикасининг президенти Али Абдалла Солиҳ ва Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси ва Бош министри Али Но-сир Мухаммад иштирок этмоқдалар. А. Н. Мухаммад сессияда нутқ сўзлаб, араб мамлакат-ларининг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш мўҳимлигини айтди. У империализмнинг қизил денгиздаги қўпурчилик ҳаракатларини танқид қилди. Бундай қўпурчилик ҳаракатлари регион халқларининг ҳафсизлигига таҳдид солмоқда.

А. А. Солиҳ қишлоқ хўжалиги, энергетика соҳасида ва бошқа бир қанча соҳаларда ЯАР билан ЯХДР ўртасида икки томонлама ҳам-корликни кенгайтириш учун қўлай шароит вужудга кел-ганлигини уқтириб ўтди.

Vive les 60 ans de la République Socialiste Soviétique d'Ouzbékistan

«ЯШАСИН ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ!»

Гваделупа Компартияси Марказий Комитетининг органи «Летелье» («Учкун») газетаси ўзбек халқи ҳаётидаги шонли санага бағишлаб эълон қилган мақола шундай аталади. Чоризмининг мустама лақа, дедилади мақолада, — Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ ўлка — эндиликда индустриал-аграр республика. Ўзбекистон Совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган йўл ана шундай.

1917 йил революциясига қадар Ўзбекистон териториясида бирорта ҳам саноат корхонаси йўқ эди. Энди бул-са саноатнинг 100 дан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб, 1660 та йирик иқтисодла-ган корхона, 1000 та яқин ўртача корхона ишлаб тур-ибди.

Агар аср бошларида мих ва кетмон четдан келтирил-ган бўлса, ҳозир республика жаҳоннинг 70 мамлакатига хилма-хил маҳсулотлар, шу жумладан электрон ускуна-лар, пахта териш машина-лар, тракторлар, туқимачилик машиналарини экспорт қил-моқда. Ишлаб чиқариш суръ-атларида айл бовар қилмайд. Республика корхоналари ҳозир икки нуктада 1924 йил давомида ишлаб чиқар-ганчилик маҳсулот тайёрла-моқда.

Бугунги кунда Совет Ўз-бекистони замонавий қишлоқ хўжалигига эга. Бу ерда «оқ олтин» деб аталувчи пахта етиштириш энг мўҳим соҳа ҳисобланади. Республикада ирригация ишлари кенг миқёсда ривожланилганлиги ту-файли қишлоқ хўжалик маҳ-сулотларининг ҳамма турла-ри етиштирилмоқда. Чунки ирригация қўриқ ва буз ер-ларни ўзлаштириш ва энг яхши имконини бермоқда. Қишлоқ хўжалигини планли равишда олиб бориш туфай-ли деҳқончилик мисли қу-рилмаган даражада юксалди.

Маданият соҳасида Ўзе-бекистон эришган ютуқлар бе-шик. Социализм қурилиш-ли маданий революция билан боғлиқдир. Чунки у халқ оmmasига маданият, сиёсат-фан ва техника билан шу-гуланиш имконини беради. Маданий тараккият даража-си ҳаддан ташқари паст бўл-ган ўрта Осиёда бу айланиса муҳимдир. Абу Али ибн Сино ватанида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигидан сўнг ўтган 60 йил ичда халқнинг маънавий савияси чексиз юксалди.

Биз яқинда Совет Ўзе-бекистонида бўлди. Ишчилар, колхозчилар, турли тармоқ вакиллари билан учрашдик. Биз шунга ишонч ҳосил қил-дикки, улар босиб ўтган йўл — бизнинг халқимиз ўз ху-сусликтарини ҳисобга олган ҳолда босиб ўтишлари керак бўлган йўлдир.

Биз коммунистлар сифа-тида ўзбек халқи эришган улкан ютуқлар билан фахр-ланамиз. Миллий ва социал-озодликка эришган бошқа халқлар таърибаси сингари ўзбек халқининг таърибаси ҳам Гваделупа халқи учун қимматли ва фойдалидир. Шунинг учун ҳам — дейи-лади мақола сўнггида. — Гва-делупа коммунистлари бутун қалъалари-да республика таш-кил этилган кўнунинг олтиш-ил биланги байрам қилдланг ўзбек халқи билан биргадир-лар.

